

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО
ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ



ДИНШУНОСЛИКНИНГ
ДОЛЗАРЪ
МУАММОЛАРИ



XIII

Ўзбекистон халқаро ислом академияси
нашриёт-матбаа бирлашмаси
Тошкент – 2021

УЎК: 21/29
КБК: 86.2
Д 53

Диншуносликнинг долзарб муаммолари [Матн] . - Тошкент : Ўзбекистон халқаро ислом академияси нашриёти, 2020, – 172 б.

УЎК: 21/29
КБК: 86.2

Масъул муҳаррир:

З.Исломов – филология фанлари доктори, профессор

Таҳрир ҳайъати:

**М.Алимова, Н.Низаметдинов, Р.Уразова, Р.Исақджанов,
О.Эрназаров, Д.Қаландарова, М.Абдуллаева**

Тузувчилар:

М.Алимова – тарих фанлари номзоди, доцент
О.Эрназаров – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Такризчилар:

М.Исҳоқов – тарих фанлари доктори, профессор
Ш.Мадаева – фалсафа фанлари доктори, профессор

Ушбу тўплам Ўзбекистон халқаро ислом академиясида ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиладиган “Диншуносликнинг долзарб муаммолари” мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси материалларини ўзида мужассам этган. Тўпланда республикамиздаги олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида диншунослик фанлари бўйича дарс берувчи профессорўкитувчилар, диншунослик соҳаси таниқли олимлари, исломшунос, шарқшунос, манбашунос, тарихчилар, шунингдек, ёш илмий тадқиқотчиларининг илмий изланишлари асосида ёзилган мақолалар жамланган. Мазкур тўплам материалларида диний бағрикенглик, миллий ва диний қадриятлар уйғунлиги, аждодлар илмий-маънавий меросининг ҳаёtimизда тутган ўрни ўз ифодасини топган. Тўплам диншунослик соҳасида изланиш олиб бораётган илмий тадқиқотчилар, профессорўкитувчи ва педагогларнинг илмий-амалий фаолиятларини самарали ташкил этишда муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилади.

Тўпламга киритилган материалларда келтирилган рақам, факт ва маълумотлар учун муаллифларнинг ўзлари масъулдирлар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг _____сон хулосасига асосан тайёрланди.

ISBN 978-9943-6525-2-1

© Ўзбекистон халқаро ислом академияси
нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2021

Муратов Дониёр,

Ўзбекистон халқаро ислом академияси,

“Исломшунослик ва ислом цивилизациясини

ўрганиш ICESCO” кафедраси доценти, тарих фанлари номзоди,

БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИДА ҲАДИСЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Ислом дини инсонларни ўзаро меҳр-муҳаббат, ота-она, қўшни ва қариндошлар, ҳатто ўзга дин вакилларига ёрдам бериш каби эзгу ишларга қорлаб келган. Жамият аъзоларини ҳар қандай ҳолатда ҳам одобли бўлишга, ақл билан иш юритишга ундаган. Бунинг тағ замирида Қуръони карим оятлари ва ҳадиси шарифлар ётишини ҳамма ҳам англаб етавермайди. Қуръони каримнинг қўплаб оятларида ота-она, қариндошлар, етим-есир, камбағалларга ёрдам беришга чакириқ ва буйруқлар мавжуд. Шунинг баробарида ҳадиси шарифларнинг ҳам аксарияти одоб-ахлоққа қорлайди. Ҳадислар инсонларни доимо комил шахс сифатида бўлишини тарғиб қилиб келган.

Муҳаддислар одоб-ахлоқ борасида айtilган ҳадисларни ва бошқа ривоятларни алоҳида китобларга жамлаганлар. Шунингдек, кўпгина ҳадис китобларда ҳам одоб бобларининг бор экани ислом динида бунга катта эътибор берилгандан дарак беради. Ҳадиси шарифларни жамлаган китобларнинг ҳар бирида “Одоб китоби” номли боблар бор. Бундан ташқари, муҳаддислар одобга бағишланган алоҳида китоблар ҳам таълиф қилганлар. Бунга мисол қилиб, ватандошимиз, муҳаддислар султони Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорийнинг “ал-Адаб ал-муфрад” асарини келтириш ўринли. Имом Бухорий ўзининг шох асари бўлмиш “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ”ида “ал-Адаб”га алоҳида боб ажратганига қарамай, бу масалани ўта аҳамиятли билиб, алоҳида китоб қилган. У киши “ал-Адаб ал-муфрад” китобида одоб турларига оид олти юз қирқ тўртта бобда бир минг уч юз йигирма иккита ҳадиси жамлаган. Ушбу асар одоб-ахлоққа тегишли муҳим манбидир. Ушбу китобни ислом одоб-ахлоқ нормалари сифатида ҳам қўллаш мумкин. Шу билан бирга имом Термизий ҳам ўз «ас-Сунан» асарида «яхшилик ва силаи раҳм», «зуҳд», «одоб» бобларига ўрин ажратгани ҳам бежиз эмас.

Ота-боболармиз юқорида санаб ўтилган ва бошқа ҳадис тўпламларидан фойдаланган ҳолда аввал ўзларини кейин эса, ёшларга одобли, яъни яхши хулқли, меҳнатсевар, тўрисўз, ҳалол, ростгўй, камтар, инсофли, диёнатли, ор-номусли, ўз туғишганларига, қариндош-уруғларига ва яқин дўст-биродарларига меҳр-муҳаббатли, бир сўз билан айтганда, комил инсонлар қилиб тарбиялашга куч-ғайратлари ва ақл-идрокларини аямай ишига солиб,

алоҳида диққатни қаратганлар. Чунки бунга асос бўла оладиган тарихий манбаларимиз бор. Битмас-туганмас маънавий маърифий сабоқларни ўзида жамлаган Қуръони карим ва ҳадис шариф шулар жумласидандир.

Масалан, Имом Термизийнинг «ал-Жоме ас-саҳиҳ» асарида одоб-ахлоққа оид ҳадислардан қўплаб келтирган. Жумладан, «Яхшилик ҳусни хулқдир. Ёмонлик қалбингда тўқилган ва одамлар билиб қолишини хоҳламаган нарсангдир» (имом Термизий ривояти) дейилган ҳадисдан яхши хулқ катта аҳамиятга эга эканини билиш мумкин. Яхшилик қилиш аввало ота-онадан бошланиши лозим. Ўз уйида яхшилик қилишга ўрганган одам кўчада ҳам бошқаларга яхшилик қилишга қодир бўлади. Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда бир киши Расулуллоҳ (с.а.в.)га, «Жиход қилмоқчиман», деган. Расулуллоҳ: «Ота-онанг борми?», -дедилар. У: «Ҳа», -деди. Расулуллоҳ (с.а.в.): «(Аввал) ота-онангнинг хизматини қилиб розилигини ол», -дедилар (имом Бухорий ривояти). Бу ҳадисда аввал ота-онага яхшилик қилиш кераклиги уқтирилган.

Яна бир муҳаддис олим имом Абу Довуднинг «Сунан» асарида келган ҳадисда яхшилик қилиниши керак бўлган кишилар келтирилган. Унда «Эй Аллоҳнинг Расули, кимга яхшилик қилай?», деб савол берилганда. Расулуллоҳ: «Онангга, отангга, опа-сингилгга, ака-укангга. Сўнг уларга яқин келадиганларга. Бу вожиб ҳақдир ва силаи-рахмдир», деганлар (имом Абу Довуд ривояти). Бу ва юқоридаги ҳадислардан кўриниб турибдики тарбия аввало оиладан бошланади.

Зеро, боланинг характери, табиати ва дунёқарабини белгилайдиган маънавий мезон ва қарашлар – яхшилик ва эзгулик, олижаноблик ва меҳр оқибат, ор-номус ва андиша каби муқаддас тушунчаларнинг пойдевори оила шароитида қарор топиши табиийдир. Шундай экан одоб бериш ҳам оиладан бошланади. Имом Термизий ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.): «Киши учун ўз боласига одоб бермоғи унинг бир соъ (3,250 гр.) садақа қилганидан яхшидир» (имом Термизий ривояти), деганлар. Бошқа ҳадисда «Ота-она ўз боласига гўзал одобдан афзал нарса бера олмайди» (имом Термизий ривояти), дейилган. Шунинг учун бўлса керак, Алишер Навоий ҳам «Одобли инсон барча одамдарнинг яхшисидир ва барча халқлар учун ёқимлидир. ...Одоб – одам табиатига инсонийлик бахш этади», деган.

Имом Бухорийнинг яна бир асари «ал-Адаб ал-муфрад» («Одоблар дурдонаси») асаридаги «Ҳар бир яхшилик садақадир» (имом Бухорий ривояти), дейилган ҳадисда одамларга яхшилик ибодат қилиш билан баробар экани кўрсатилган. Бу моддий ёки маънавий бўлиши мумкин. Шундай экан ёшларда жамиятда яхшилик қилиш хиссини ошириш лозим. Албатта, тарбия таълим

билан сингдирилади. Чунки таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди – бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси. Ҳатто маърифатпарвар олим Абдулла Авланийнинг: “Тарбия бизлар учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир”, деган ўгитига амал қилишимиз зарур. Шунингдек, ота-боболаримиз қадимдан бебаҳо бойлик бўлмиш илму маърифат, таълим ва тарбияни инсон камолоти ва миллати раънакининг энг асосий шарт ва гарови деб билган.

Шунинг учун ҳадисларида келган одамларнинг бир-бирига бўлган меҳри, шафқати, фарзанднинг ота-онасига муҳбати, шогирдларнинг устозларига хурмати, заковати, инсонларнинг ўз ғояларига садоқати ҳақидаги фикрлар бугунги кунда ҳам катта тарбиявий аҳамиятга эгадир.

Ойша (розияллоҳу анҳо)нинг шундай деганлар: “Мақоримул ахлоқ – энг яхши хулқлар ўнтадир. Улар: ростгўйлик, қийинчиликда ҳам содиқ бўлиш, муҳтожларга эҳсон қилиш, берилган ҳадя эвазига ҳадя қайтариш, омонатдорлик, қариндошлик ришталарини боғлаш, қўшни ва дўст ҳақида риоя этиш, меҳмондўст бўлишдир. Буларнинг бошида ҳаёли бўлиш туради” (имом Ҳоким ривояти), дедилар.

Бошқа бир ривоятда: “Яхши ахлоқлар Аллоҳнинг ҳузуридаги ҳазина бўлиб, Аллоҳ қай бир бандага яхшиликни хоҳласа ундан бир хулқни ўша бандага ато этади”, дейилган. Булар Аллоҳ таолонинг гўзал исмларидан келиб чиққан ахлоқлардир. Хулқ ва одат бир маънога эгадир. Одамзоддаги оддий феъл-атворлар эса, унга берилган табиий хулқлардир. Сўнгра Аллоҳ хоҳлаган бандаларига ўз фазлу марҳаматидан ҳузуридаги ахлоқ ҳазиналаридан ахлоқларни ато этади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ёшларни комил инсон қилиб вояга етказиш таълим-тарбиянинг асосий вазифаларидан биридир. Президентимиз таъкидлаганларидек, дин азалдан инсон маънавиятининг таркибий қисми сифатида одамзотнинг юксак идеаллари, ҳақ ва ҳақиқат, инсоф ва адолат тўғрисидаги орзу-армонларнинг ўзида мужассам этган, уларнинг барқарор қоидалар шаклида мустаҳкамлаб келаётган ғоя ва қарашларнинг яхлит бир тизимидир. Шунинг учун динимизнинг устунларидан бўлган ҳадислардан ёшлар тарбиясида фойдаланиш муҳим вазифа ҳисобланади. Ҳадисларда шахснинг мустақил фикрлашига, инсонпарвар бўлишига, меҳнатсевар, билимдон, камтар, оқил, доно, тadbиркор, ҳалол ва тўғрисўз, ишларида адолатли, катта ва кичикларни ҳурмат қилишига, ота-онани эъзозловчи, бунёдкор, миллий ва умуминсоний кадриятларни ўзида уйғунлаштирган, диёнатли, ор-номусли бўлиши билан бирга, мустақил давлатимиз ва халқимизга садоқатли бўлиши, виждон эркинлигига ҳурмат билан қараб, диний бағрикенг,

руҳан пок каби қатор фазилатларга эга бўлишига, бир сўз билан айтганда комил инсон бўлиб етишида ёрдам беради.

* * *

Тоҳиров Жаҳонгир,

*Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот
маркази катта илмий ходими*

ДУНЁВИЙ ВА ДИНИЙ БИЛИМЛАР УЙҒУНЛИГИ

Дунёвийлик – бу даҳрийлик дегани эмас. Дин ва диний эътиқод бутунлай рад этиладиган ҳаёт қандай ғайриинсоний кўринишга эга эканини биз кечаги тарихимиз мисолида яхши биламиз. Шунингдек, динийлик – бу мутаассиблик дегани ҳам эмас. Зеро, радикал кескинлик нафақат диний, балки ҳар қандай кўринишда – сиёсий (*диктатура*), миллий (*шовинизм, фашизм*) кўринишларда ҳам намоён бўлиши мумкин.

Афсуски, бу ҳақиқатларни бугун ҳамма ҳам бирдек англамоқда, дея олмаймиз. Кимдир “*дунёвийлик*” шиори остида динни “*қотиб қолган ақидалар ва эскилик сарқити*”, деб талқин қилиб, ўз диний кадриятларига амал қилаётганларни мутаассибликда айбласа, яна кимдир “*динийлик*” шиори остида дунёвийликни “*даҳрийлик*”, деб талқин қилиб, дунёвий тамойилларга амал қилаётганларни динсизликда айблайди. Бундай қарашлар бугунги илмий тадқиқотларда ҳам кўзга ташланмоқда.

Хўш, бу масала миллий тарихимизда, аجدодларимизнинг бой, бебаҳо илмий меросларида қандай ўз аксини топган? Яъни, уларда дунёвийлик ва динийлик ўртасида “*хитой девори*” мавжуд эдими?

Мусулмон шарки олимларининг муваффақияти сабабларидан бири улардаги диний ва дунёвий тафаккур уйғунлигидир. Буни нимада кўриш мумкин? Аввало, ўрта асрларда Моваруннаҳрда фаолият олиб борган олимлар ҳам диний, ҳам дунёвий илм-фан соҳаларида, уларни бир-бирига зидлаб қўймай ижод қилиб асарлар ёздилар. Чунки, бу ижод маҳсули олимнинг яхлит бир онги, тафаккури, қалбининг ҳосиласидир. Шу сабабли улар дунё илм-фанида устоз бўлишди, уларнинг ўлмас, завоёл билмас асарлари бугунги жаҳон илм-фани тараққиётига асосий замин бўлди.

Аслида илмни диний ва дунёвийга тақсимлаш шартли бўлиб, улар икки қарама-қарши томон эмас, балки бир бирини тўлдирувчидир. Маълумки, Қуръон тафсири, ҳадис, ақида, фикҳ, тасаввуф кабиларни диний илм; кимё, физика, математика кабиларни дунёвий фан деб ажратиш кейинги даврда урф

МУНДАРИЖА

Сўз боши	3
----------------	---

1-ШЎЪБА. “ДИНШУНОСЛИК” ФАНИНИ ЎҚИТИШ: ТЕХНОЛОГИЯЛАР, ЮТУҚЛАР, МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР

М.Алимова. Диншунослик фанларини модул тизими асосида масофавий ўқитилиши.....	5
Ш.Зиёдов. Диншунослик вазифалари ва миллий қадриятларимиз	8
У.Ғафуров. Ўзбекистонда олий диний таълим: азалий қадриятлар ва замонавий технологиялар уйғунлиги йўлида	12
С.Агзамходжаев. Дунё динлари тарихини ўқитишда замон талабига мос ёндашув	15
Э.Ибрагимов. Христианлик тарихида “давлат” ва “дин” тушунчалари талқини	17
Р.Адыгамов. Преподавание исламских дисциплин: между традицией и инновацией	21
Р.Уразова. Зардуштийликда мифологик тасаввурларнинг диний трансформацияси	28
С.Саиджалолов. Мазҳабшунослик “диншунослик” фани йўналиши сифатида	31
О.Эрназаров. Ислом динининг анъанавий хитой маданиятига уйғунлашувидаги тарихий жараёнлар	35
Б.Мухтаров. Олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида “диншунослик” фанини ўқитишдаги ютуқ ва муаммолар.....	37
Х.Мадалиева. Муқаддаслик категориясининг назарий асослари....	39
М.Хушвақов. Диншуносликнинг долзарб муаммолари	42
Г.Шарипова гузал. Религиозная терпимость в государственной системе малайзии	44

2-ШЎЪБА. ДУНЁ ДИНЛАРИНИ ЎРГАНИШДАГИ ЁНДАШУВЛАР: НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК ВА УСЛУБИЙ МУАММОЛАР

Б.Рустамов. Учинчи ренессанс даврида диний-маърифий соҳага эътибор.....	48
З.Исломов. Янги Ўзбекистонда исломшунослик таълими ва тадқиқотларидаги ислохотлар.....	51

Н.Низомиддинов. Веда – Ҳинд диний эътиқодларининг дастлабки манбаи	54
Ҳ.Сағдиев. Исломдаги толерантликнинг қуръоний асослари	58
Б.Гиёсов. Ислам – исторический феномен	63
А.Тажиев. Ҳусайн ибн Яҳё Зандавистий ва унинг илмий мероси	67
Н.Тўраев. Имом Бухорийнинг “Ҳофиз” ровийлар тўғрисидаги қарашлари (“ат-Тарих ал-Кабир” асари асосида)	71
Ш.Тохтиев. Қарбало шаҳри ёҳуд Машҳад ал-Ҳусайннинг шиалар ҳаётидаги ўрни	75
Д.Разаков. Бухорода “етти пир” фаолияти	78
Л.Алиджанова, А.Пардаев. XVIII аср – XX аср бошларида ҳозирги Россия ҳудудидаги христиан монастырларида тиббий муассасалар фаолияти	83
М.Абдупаттаев. Абу Райҳон Берунийнинг христианлик муқаддас китоби инжил тўғрисидаги қарашлари	88
Д.Нурмуҳаммад. Муснад асарларининг турлари ва қиёсий таҳлили	92
Э.Алимқулов. Қадимги Ўрта Осиё халқлари турмуш тарзида ой ва юлдуз рамзлари	96
D.Saydullayeva. Protestantizm tarixiga nazar	103
M.Tojimatova. Zardushtiylikda axloqiy meʼyorlarning yoritilishi	106
B.Norjigitov. Yahudiylikda qasam va kafforat masalasi talqini.....	108
I.Abdusattorov. Zardushtiylik eʼtiqod asoslari.....	112
Ш.Ниёзова. Интернетда христиан жамоаларининг шаклланиши ва ривожланиши	115
З.Зинатуллаев. Исломга қадар марказий осийеда тарқалган динлар	119
Д.Нишанова. Алломалар ватани Ахсикент шаҳридан етишиб чиққан фақиҳ олимларнинг илмий мероси	122
Р.Бегалиев. Алоуддин Бухорийнинг “Мулжиматул-Мужассима” асари таҳлили	124
М.Қобилова. Танахнинг таркибига кирувчи Ишаё пайғамбарнинг китобида машиах шахсияти	127
И.Нигматуллаев. Арман апостоллик черкови диний рутбалари	131
М.Tursunov. “Barnoba injili”ning xristianlikka oid tadqiqotlarda tutgan oʻrni	133
Д.Шокирова. Вопросы здоровья в иудаизме, христианстве и исламе	137

**3-ШЎҒБА. БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИДА ДУНЁВИЙ ВА
ДИНИЙ ҚАДРИЯТЛАР УЙҒУНЛИГИ АҲАМИЯТИ**

Д.Рахимджанов. Ҳадисларда тарбия масалалари.....	141
М.Неъматулло. Тошкентдаги “Мўйи Муборак” мадрасаси – ислом маданиятининг ноёб обидаси.....	145
Д.Муратов. Баркамол авлод тарбиясида ҳадисларнинг аҳамияти	148
Ж.Тоҳиров. Дунёвий ва диний билимлар уйғунлиги	151
Г.Худойберганова. Христианликда аскетик қарашлар эволюцияси	155
И.Абдурахмонов. Алоуддин Самарқандий “Шарҳ ат-Таъвилот” асарининг ўзига хос хусусиятлари	157
Н.Мирзаев. Ёшларга тўғри диний таълим беришда устозлар томонидан ижозатнома бериш қадриятининг аҳамияти	161
Ж.Меликузиев. Ёшлар ва диний ижтимоийлашув жараёни	163
Ш.Жўмаев. Фарғона вилоятидаги ноисломий диний ташкилотлар бугунги кундаги фаолияти	166
О.Сотволдиев. Бақий ибн Махлад –Андалус муҳаддисларининг шайхи .	168
Л.Кушманова. Қурама ўзбек элатида диний билимлар ва дин амалиёти ҳақида.....	170
Ш.Абдуллаева. Хаттотлик санъатида етти хат турига оид назарий масалалар	173
З.Арслонов. Алихонтўра Соғунийнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари	175
У.Нуралиев. Имом Суютийнинг «Тарих ал-Хулафо» асари ислом тарихини ўрганишда муҳим манба	178
Д.Мустафоев. Саййид Шариф Журжонийнинг “Тафсири Кашшоф”га битган ҳошияси	182
М.Каримов. Қуръони карим ва ҳадисларда бағрикенглик	184
U.Sotiboldiyev. Milliy va diniy urf-odatlar zamiridagi bid’at va xurofotlarni bartaraf etishda ma’rifatparvarlik harakatining roli	187
Ж.Абдуқодиров. Зиёрат ва унинг инсон маънавиятига таъсири	190
З.Ғуломов. Алишер Навоий асарларида ономастик қарашлар	192
З.Фахриддинов. Қуръоншуносликда “вужух ва назоир” соҳасининг ўрни.....	195
М.Жўраев. Имом Доракутнийнинг илмий меросида ҳадис илмининг тутган ўрни	199
Б.Ботиров. Бурхониддин Марғинонийнинг “ал-Ҳидоя” асарида фарзандларнинг ота-онага нисбатан таъминот мажбуриятлари	202
Sh.Xatamov. Cooperation of uzbekistan with icesco on issues of religious tolerance	204
X.Saydirasulova. Tafsir ilmida dastlabki tasavvufiy tafsirlarning o’rni.....	207

**4-ШЎҒБА. ЁШЛАРДА ДИН НИҚОБИДАГИ ЭКСТРЕМИСТИК
ВА ТЕРРОРЧИЛИК ФАОЛИЯТИ, МИССИОНЕРЛИК ВА
ПРОЗЕЛИТИЗМГА ҚАРШИ МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТНИ
ШАҚЛЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ МАСАЛАЛАРИ**

Ш.Акмалов. Особенности религиозного образования в странах Центральной Азии	212
Р.Турганов. “Диншунослик” ва “диний экстремизмга қарши курашиш” фанларини ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари тизимида ўқитилишининг зарурати	217
Б.Мамашикуров. Имом Мотуридийнинг XX аср издоши	221
А.Ғуломов. Иймон: таъриф ва талқин.....	225
С.Қаххоров. Диний мутаассибликни фанлар тизимида ўрганилиши	228
Н.Туйчиева. “Қаландарнома” жанрида ёзилган китоблар.....	231
А.Мирзаходжаев. Псевдорелигиозный экстремизм в современном обществе	233
Н.Турамбетов. Янги диний ҳаракатлар миссионерлик фаолиятининг минтакавий хусусиятлари (Қозоғистон республикаси мисолида)	237
Н.Саминова. Ёшларни ғоявий таҳдидлардан ҳимоя қилишда маънавий тарбиянинг аҳамияти.....	241
М.Жўраев. Қозоғистон республикасида давлат ва дин муносабатлари	243
Х.Сайдақбаров. Мотуридия таълимотида “инсон” тушунчаси	246

**5-ШЎҒБА. ДИН ФАЛСАФАСИ, ПСИХОЛОГИЯСИ ВА
СОЦИОЛОГИЯСИНING ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ**

Р.Исақджанов. Илмий билишда ибн рушд қарашлари	250
Д.Юсупова. Ўзбекистонда дин омилсининг трансформацияси ва у келтириб чиқарган муаммолар таҳлили	253
С.Каримбеков. Постиндустриализм и хадисы	257
М.Жалолдинова. Ижтимоий ҳимоя тушунчаси тарихи ва илмий-назарий асослари.....	261
D.Nazimjonova. Tarkidunyochilikning mohiyati va talqini	264
Т.Маратов. Шахсининг стрессга ижтимоий-психологик мослашувида диний идентификациянинг ўрни	266
М.Ниёзова. “Bag‘rikenglik” tushunchasining jamiyatdagi o‘rni va uning turlari.....	269
С.Атаджанова. Принципы толерантности и его особенности	272
U.Sattorov. Zamonaviy dunyoda din omili.....	276
G.Yuldosheva. Diniy ong shaxs shakllanishining omili sifatida	278